



Ўзсаноатқурилишбанк Кенгаши йиғилишининг
15/2007-сонли мажлис баёнидан
К Ў Ч И Р М А

Тошкент ш.

2008 йил 4 март
15-00

IX. Эшитилди: Ўзсаноатқурилишбанкнинг «Активлар ва
пассивларни бошқариш», «Ходимлар билан иш олиб бориш» ва
«Стратегия, режалаштириш ва банк фаолиятини ташкил этиш»
қўмиталари тўғрисидаги янги тахрирдаги Низомлари ҳақида.

Кенгаш қарор қилади:

Банк Бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган Ўзсаноатқурилиш-
банкнинг «Активлар ва пассивларни бошқариш», «Ходимлар билан иш
олиб бориш» ва «Стратегия, режалаштириш ва банк фаолиятини
ташкил этиш» қўмиталари тўғрисидаги янги тахрирдаги Низомлари
тасдиқлансин. (Илова қилинади)

Овоз берилди:

Тарафдорлар - 14 қаршилар - йўқ бетарафлар - йўқ

Банк Кенгаши
Раиси:



Р.Файзуллаев

3. *Handwritten signature*

ж) Активлар ва пасивлар бошқармаси бошлиғи.
Ташкил қилинган таркиб Банк Бошқаруви Раисининг буйруғи билан тасдиқланади.

3. Қўмитанинг асосий вазифалари

6. Активлар ва пасивларни бошқариш банк балансини бошқариш бўйича фаолият билан боғлиқ. У даромадлиликни кўпайтириш ва банк фаолиятидаги хатарларни камайтириш, чеклашга йўналтирилган.

Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- максимал даромад олиш мақсадида Банк балансининг энг мақбул тузилмасини шакллантириш;
- капиталнинг етарлилиги ва хатарларни диверсификациялаш устидан назорат қилиш;
- ягона фоиз сиёсати юритиш;
- ликвидликни бошқариш бўйича Банк сиёсатини белгилаш;
- Банкнинг жорий ликвидлиги ва ресурслари ҳолатини назорат этиш;
- капитал бозорида банк сиёсатини шакллантириш;
- тариф, фоиз ва ликвидликни бошқариш сиёсатларини шакллантириш ва амалга оширилишини таъминлаш.

4. Қўмитанинг функциялари

7. Қўмита ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

- Банкнинг стратегик мақсадларга эришиши учун муддатлилик, даромадлилик ва ликвидлик бўйича активлар ва пасивлар портфелини мақбуллаштириш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;
- Активлар ва пасивлар портфели тузилмасини ўзгартириш билан боғлиқ стратегик қарорлар қабул қилиш. Банкнинг ликвидлик ҳолатини таҳлили натижаларини кўриб бориш;
- Ликвидликни самарали бошқариш мақсадида Банк филиллари фаолиятини мувофиқлаштириш. Бу юртда асосида уларга вакиллик ҳисобварақларини, имтиёзли кредитлашнинг махсус фондиди тўлдириш учун маблағ ажратиш масаласини кўриб чиқиш;
- белгиланган лимит доирасида корпоратив ва давлат қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳамда юридик корхоналарнинг устав капиталига инвестиция қилиш масалаларини кўриб чиқиш;
- Банк даромадлигини ошириш мақсадида оптимал фоиз сиёсатини белгилаш. Кредитлар ва жалб этиладиган муддатли депозитлар бўйича базавий фоиз ставкаларини ўрнатиш;
- Банклар кесимида маблағларни жойлаштириш бўйича чекловларни (лимитлар) ўрнатиш ва тасдиқлаш учун таклифлар киритиш;
- Банк активларидан самарали фойдаланиш мақсадида банклараро молия бозорида ўрнатилган лимитлар доирасида маблағларни жойлаштириш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

- Банк хизматлари бўйича тарифларни тақдим этилган таклифлар асосида кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;
- Активлар ва пассивларни бошқариш, даромадлар ва харажатлар, ликвидлилик, капитал бўйича Банк фаолиятини таҳлил этиш ва қарорлар қабул қилиш;
- Активлар ва пассивлар бошқаришига тегишли бошқа қўшимча масалалар.

5. Қўмитанинг ваколатлари

8. Қўмита Банк Кенгаши ва Бошқаруви томонидан белгиланган ваколатлар доирасида операциялар ва битимларни амалга ошириш ҳамда бошқа қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Қўмитанинг қарорлари ушбу қарорларни қабул қилиш чоғида ўрнатилган муддатлар мобайнида, ёки бундай қарорлар Қўмита, Банк Кенгаши, Банк Бошқаруви томонидан бекор қилинишига қадар амал қилади.

9. Қўмита олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун Бош банкнинг барча департаментлари, мустақил бошқармалари ва филиалларидан ахборот ва маълумотлар талаб қилиб олиш ҳуқуқи берилади.

10. Қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар банкнинг барча бошқарма, бўлим ва филиаллар томонидан мажбурий равишда ижро этилиши лозим.

6. Қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Қўмита аъзолари қуйидагиларга мажбурдирлар:

- а). Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун тақдим этилаётган материалларни батафсил ўрганиб чиқиш, ушбу Низом талабларига риоя этиш;
- б). Ўзрли сабабларга кўра ишда бўлмаган ҳолатлардан ташқари Қўмитанинг йиғилишларида қатнашиш;
- в). Қўмита йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- г). Қўмита йиғилишларининг баённомаларини имзолаш.

12. Қўмита аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а). Қўмита йиғилишларининг кун тартиби ва уларга тегишли материалларни олиш;
- б). Қўмита йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан фикр, мулоҳаза ва таклифлар билдириш;
- в). Қўмита йиғилишларида кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиниш чоғида «рози» ёки «қарши» овоз бериш;
- г). Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун Қўмитанинг ҳуқуқдорлик доирасига кирувчи масалаларни киритиш.

7. Қўмитанинг ишлаш тартиби

13. Қўмита йиғилиши зарурият туғилганда ўтказилади. Қўмита йиғилишини чақириш тартиби ва вақти унинг Раиси томонидан белгиланади.

14. Қўмита котиби унинг йиғилишида кўриб чиқиладиган масалаларни тайерлаш бўйича ишларни муфовиқлаштиради. Қўмита йиғилиши кун тартибини тайёрлайди. Қўмита аъзоларига йиғилишдан олдин кўриб чиқиш учун киритилган масалаларга оид ҳужжатларни тақдим этади ва улар билан таништиради.

15. Қўмита йиғилишини Қўмита Раиси, у йўқ бўлган пайтда Қўмита Раисининг ўринбосари олиб боради. Йиғилишда бир вақтнинг ўзида Қўмита Раиси ва унинг ўринбосари йўқ бўлган тақдирда йиғилиш ўтказилмайди.

16. Банклараро бозорида ўрнатилган лимитлар доирасида маблағларни жойлаштириш, қимматли қоғозларга маблағларни йўналтириш, минтақавий филиалларга ресурслар ажратиш, айрим хўжалик юритувчи субъектларга банк хизматлари кўрсатиш учун нарх белгилаш каби масалаларни кўриб чиқиш учун Қўмита йиғилиши кун тартибига таклифлар Бош банкнинг департаментлар ва мустақил бошқармалар ҳамда филиаллар томонидан киритилади.

17. Қўмита йиғилишида қатнашаётган қўмита аъзолари умумий сонининг камида ярмини ташкил этган тақдирда йиғилиш ҳуқуқий кучга эга деб ҳисобланади.

18. Йиғилишда қатнашаётган Қўмита аъзолари умумий сонидан қарор учун оддий кўпчилик овоз берган тақдирда Қўмитанинг қарори қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар тенг келган тақдирда Қўмита йиғилишида раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз бўлиб саналади.

19. Қўмитанинг қарорлари Қўмита йиғилишининг баённомалари билан расмийлаштирилади, у Қўмита йиғилишида қатнашган аъзолар томонидан имзоланади. Кун тартибига киритилган масала юзасидан қарши овоз берган Қўмита аъзоси ўзининг фикрини ёзма равишда асослаб бериши лозим. Қўмита аъзосининг ёзма фикри Қўмита баённома қарорига илова қилинади.


20. Қўмита баённома қарори унинг котиби томонидан «Қўмита баённома қарорларини рўйхатга олиш» дафтарида рўйхатда олинади.

21. Қўмита йиғилишлари баённомаларининг асл нусхалари ва йиғилишларга тегишли материаллар Хазина департаментида сақланади ҳамда сақлаш муддати тугагандан сўнг, Банк архивига белгиланган тартибда топширилади.

22. Банк Кенгаши, Бошқаруви ва Бошқарув Раиси Қўмитанинг иши юзасидан назоратни амалга оширади.

23. Мазкур Низом кучга кирган кундан эътиборан, Банк Кенгашининг 2001 йил 22 ноябрдаги 19-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзсаноатқурилишбанк Активлар ва пасивларни бошқариш Қўмитаси тўғрисида»ги Низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Бошқарув Раиси



Мустафоев У.М.



**Ўзсаноатқурилишбанк Кенгаши йиғилишининг
7/2010 - сонли мажлис баёнидан
КЎЧИРМА**

Тошкент ш.

2010 йил 19 август
15-00

VI. Эшитилди: «Ўзсаноатқурилишбанк Активлар ва пасивларни бошқариш қўмитаси тўғрисида»ги Низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Кенгашининг 2010 йил 20 июлдаги 5/2010-сонли баённома қарорига биноан Бош Банкнинг янги ташкилий тузилмаси тасдиқланганлиги муносабати билан,

Кенгаш қарор қилади:

1. «Ўзсаноатқурилишбанк Активлар ва пасивларни бошқариш қўмитаси тўғрисида»ги Низомга иловага мувофиқ киритилган ўзгартиришлар тасдиқлансин.

2. Мазкур Низомга киритилган ўзгартиришлар Бош Банкнинг янги таркибий тузилмаси тасдиқланган кундан эътиборан кучга кирган деб ҳисоблансин.

Овоз берилди:

Тарафдорлар - 8 қаршилар - йўқ бетарафлар - йўқ

Кенгаш Раиси:



Б.Ходжаев

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
Кенгашининг
2010 йил «19» августдаги
7/2010-сонли қарорига
Илова

«Ўзсаноатқурилишбанк» Кенгашининг 2008 йил 4 мартдаги
15/2007-сонли қарори билан тасдиқланган «Активлар ва пассивларни
бошқариш Қўмитаси тўғриси»даги Низомга киритилаётган ўзгартиришлар


1. Низомнинг 5-банди 2-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«Қўмита аъзоларининг таркиби қуйидагича тузилади:

- а) Қўмита Раиси – Бошқарув Раиси ёки Бошқарув Раисининг ўринбосари;
- б) Кредит операциялари департаменти директори;
- в) Ташқи иқтисодий муносабатлар департаменти директори;
- г) Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти директори;
- д) Иқтисодий таҳлил департаменти директори;
- е) Ҳазначилик бошқармаси бошлиғи».

2. Низомнинг 21-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2.1. Қўмитанинг йиғилиш баённомаларининг асл нусхалари ва бошқа тегишли ҳужжатлар Ҳазначилик бошқармасида сақланади ҳамда сақлаш муддати тугагандан сўнг, Банк архивига белгиланган тартибда топширилади».

Бошқарув Раиси


А. Абдуллаев